



Миллий Тижланиш

Ўзбекистон Миллий тижланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

2000 йил, 23 май

9 (226) - сон

Сессия олдидан

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ИШ КУНЛАРИ

Олий Мажлисимизнинг иш кунлари қизғин. Бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш кунлар яратилишга катта ташаббускорлик, фаол ижодий ёндашувларни талаб қилади. Бу талаб Олий Мажлисда бугун теран аниқланган, ҳис қилинган ҳар қадамда кўзга ташланади. Қўмиталар, комиссиялар, залларнинг эшикларини очсангиз: ўқиб, ўқиб, ўқиб! — янги кунлар бино бўлмоқда, уларнинг моддалари, тушунчалари, сўзлари тўлишмоқда, ёришмоқда, ҳуқуқий фикр тараққийлари бирма-бир очилмоқда ва пешма-пеш депутатларнинг муҳокамалари учун тақдим этилмоқда. Лоақал кейинги ойларида бўлган меҳнат босис, қаранг, қандай қонун лойиҳалари юзга чиқди: «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Экологик экспертиза тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»...

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт соҳаларини эркинлаштириш ҳақидаги мамлакат ҳамда унинг халқи олдида қўйилган вазифалар жуда кучли, таъсирчан, яхши ўйланган қонунлар яратиш, ислохотларнинг янги босқичларига йўл очиш билан ҳамбарчас боғлиқ.

Янги яратилган қонунлар, давлатчилик фаолияти билан боғлиқ муҳим ҳужжатларнинг бутун руҳи, мазмуни, йўналиши Президентимиз ўртага қўйган ана шу эркинлаштириш жараёнларини қувватлантириш, тўқилантириш, муваффақиятини таъминлашга қаратилган. Олий Мажлисимиз бугун ана шундай яшамокда, нафас олмақда.

КИМ ҚАНДАЙ ИШ ОЛИБ БОРДИ?

ЎзМТДП етакчиларининг апрел — май ойларидаги фаолиятдан энг муҳим лавҳалар

Озод Отамирзаев — ЎзМТДП котиби

4 — 5 май кунлари Хоразм вилоятида сафарда бўлиб, вилоят миқёсда «Ёшлар ва маънавият» мавзусида семинарлар ўтказди.

Хоразм вилояти ҳокимиладар, туман ҳокимлари, ҳоким уринбосарлари, маънавият ва маърифат кенгаши бошлиқлари, мактаб, лицей, коллеж ўқитувчилари ҳамда Урганч Давлат университети ёшлари ва ўқувчи-профессорлар жамоаси билан учрашиб «Мустақил Ўзбекистон ёшларининг миллий ўзлиги» мавзусида социологик тадқиқот натижалари асосида сузлаб берди.

Хива билан юрти ёшлари билан учрашиб, «Миллий гоя ва маънавият» мавзусида суҳбат ўтказди.

11 май кунли партиясиз котиби Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Миллий университети қошидаги Олий Педагогика институти тинловчиларига «Ўзбекистон миллий аҳоли сиваси ва миллий гоя» мавзусида маъруза қилди.

Шунингдек, Озод Отамирзаев Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманининг «Ватан» маҳалласида маҳалла фуқароларининг ЎзМТДП фаоллари билан 17 май кунли бўлиб ўтган учрашувида иштирок этди ва сузга чиқди.

Ўткир Хошимов — ЎзМТДП Марказий ҳайъати аъзоси

1 — 3 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси билан бирга Ҳиндистон Республикасида бўлди.

«Халқ сузи» газетасида «Мардлик» деб аталган йирик публицистик мақоласи чоп этилди. Миллий гоя масалаларига бағишланган Тошкент вилояти, Тошкент шаҳрида бўлган бир қатор учрашув ва йиғилишларда фаол иштирок этди.

Республика Педагогика билим юртида ёш талабалар ҳамда ўқитувчилар билан учрашиб, миллий гояларимиз ҳақида маъруза қилди.

Ойдин ХОЖИЕВА — Ўз МТДП Марказий ҳайъати аъзоси

Бухоро ўқитувчилар малакасини ошириш институти тинловчилари ҳузурига бўлиб, зиёли маънавияти ҳусусида суҳбатлашди.

Миллий тижланиш партиясиз, Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Миллий истиқлол гоялари ва ёшлар» анжуманида қатнашиб, шerylларидан ўқиди.

Тошкент шаҳар ва Ҳамза тумани хотин-қизлар кумитаси уюштирган «Соғлом авлод — миллатнинг келажаги» учрашувида маҳалла фаоллари ўқувчи, мураббийлар ва мактаб ўқувчилари дарасида маънавият, эътиқод эркинлиги, ёшларнинг вазифалари борасида суҳбатлашди, янги асарларидан ўқиб берди.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани «Оқибат» маҳалласида халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси ўтказган «Аёл ва экология» мавзусидаги тадбирда иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўтказган ёшларнинг «Мен ватанини қуйлайман» мушоирасида қатнашиб, ёш шоирлар шerylларини таҳлил қилди. Ўз ижодидан намуналар ўқиди.

Партия фаоллари билан бирга Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласи аҳли билан учрашиб, миллий истиқлол гояси ҳусусида фикрлашди, маҳалла кутубхонасига бир неча китобларидан совға қилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кумитасининг «Миллий гоя ва аёл маънавияти» мавзусида «Қоратоп» маҳалласида ўтган тадбирда қатнашиб, шerylлар ўқиди бир неча китобларини туҳфа қилди.

Бу сўзларнинг муаллифи Федор Достоевский ўз асарлари ва хотира мактубларида болақайларнинг эртага шахс бўлиб етишиб чиқишида оила ва жамиятнинг тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида кўп ёзган эди. Бу мавзу ҳеч вақт долзарблигини йўқотмаган, жумладан, бугунги кунда ҳам. Негар?

Бунга турмуш шароитининг кундан-кунга ўзгариши, ҳаётимизга кириб келаятган турли иқтисодий ва ижтимоий, ўтиш даври қийинчиликлари ва бошқа муаммолар фарзандларимизнинг дунёқараши, ақл-заковати ва ҳулқ-атвори шаклланишига ўз таъсирини ўтказди. Қолаверса, ён-атрофда гийҳандлик, алко-голизм, ахлоқсизлик, киморбозлик каби иллатлар учраб турибди. Шу сабабли, айни пайтда ҳеч бир ота-онанинг ўз фарзандининг тарбияси, ҳатти-ҳаракати, ақлий қомиллиги ва келажаги ҳақида хотиржам бўлиши мумкин эмас.

Болаларнинг ушбу иллатларга берилмаслигининг олдини олиш учун турли фикр-мулоҳазалар айтилган. Уларнинг барчасидан қуйидаги умумий хулоса чиқди: бола-лар тарбияси ўз вақтида бошланган, муносабат услуби жиҳатидан туғри ташкил қилинган, туғри мақсадларга йўналтирилган, узлуқсиз ва доимий бўлиши зарур.

Тарбияни ўз вақтида бошлаш тарбия шартлари ичида бежиз биринчи навбатда келаятган йўқ, чунки кеч бошланган тарбия кейинчалик доимий ва узлуқсиз олиб борилса ҳам боланинг янги қуникмаларни қабул қилиб олишида қийинчиликлар туғдиради. Баъзи ота-оналар болаларнинг тарбияси билан мустақаб ўшига отанда шуғулланамиз деган нотуғри фикрда бўладилар. Аслида бола она раҳимидалигидек ташқи дунёни «ўргана» бошлайди, у дунёни фақат она-сининг озқиланиши орқали эмас, балки унинг қайфияти орқали ҳам билиб топади. Шунинг учун тиббиёт ходимлари яхши озқиланиш билан бирга ҳомилдор аёлларга асабийлашмаслиқни, ғам-қайғуға берилмаслиқни таъсия қиладилар. Онанинг ҳар бир қувончи ва ғами албатта ҳомиллада ўз аксини топади боради. Кейинчалик бола нафақат онасининг қайфияти нини сезади, балки онаси атрофидаги шовқин-сурон, одамлар овозларини ҳам эшита бошлар экан. Шунинг

1 июн — Халқаро болаларни Ҳимоя қилиш куни

БОЛА БУ ДУНЁНИНГ САОДАТИДУР...

учун бу пайтда аёлларга тинч, илоҳи борича шовқин-сурон кам жойларда бўлиш фойдали деб таъкидланган. Қадим замонларда ота-буваларимиз томонидан ҳам бу тавсиялар бериб келинган. Масалан, қадимда аёл ва бўлажақ чақалоқнинг тинчлигини ва ором олиши учун Қуръон оятлари кират қилинган. Кишиларда «Қуръон оятларини эшитиб, уларга қўниқма ҳосил қилган болалар, келажакда Оллоҳ китоби бўйича яшайди, ҳаромдан сақланувчи ва ҳар томонлама баркамол инсон бўлади» деган ишонч кучли бўлган. Ота-боболаримизнинг инсонийлиги ва узок умр кўрганлигининг сабаблари шунда эмасмикин? Хориж тажрибасини ўрганадиган бўлсак, дейлик, Японияда ҳозир ҳам ҳомилдор аёлларга ўқимли ва тинчлан-тирувчи миллий мусикалар эшитириш анъанаси мавжуд.

Шу ўринда бизда ҳар байрамлар (баъзан исталган кун) арафасида бозорларимизда йўнчоқ порлагич (хлопушка) ва мушаклар сотуви авжга чиқиб, ўспирин ёшларимиз ҳар жойда уларни порлатиш ва отиш билан «маъмулни ҳордиқ» чиқаришига тўхтабмасдан илҳож йўқ. Гоҳида улларга шу нарсалардан олиб берган ота-оналарнинг узлари ҳам уйинчқнинг порлатишдан завқланишини кўриб ажабланасан киши. Атрофдаги ҳомилдор аёллар, чақалоқлар ва кичкина болаларнинг қўриқиб қолишига парво ҳам қилишмайди. Ахир энг оғир касалликларнинг барчаси, айниқса, қанд (диабет) касаллиги асабларнинг кучли сесканишидан келиб чиқади-ку. Бунга шу ота-оналар ёки билимасмикин? Бунда порлатиш ва мушаклар билан савдо қилувчи улдабурон тижоратчиларимиз эса бунга эҳтимом билишса ҳам мумай даромаддан воз кеча олайдилар.

Энди яна мавзуда қайтасак. Кеч бошланган тарбиянинг салбий томонларидан энг асосийси — боланинг миёсидан



олдиндан жой олиб улгурган бўлади. Чақалоқнинг билан учиб ва янглиларнинг хоилашишидир. Агар бола миёсани қозғаса ўхшасак, унинг оладиган тушунчалари сийх рангли ёзувлардир. Боладаги нотуғри тушунчаларни йўқотиб, янглиларни сингдириш, гўёки оппоқ қозғоғиди сийх ёзувларни ўчириб, урнига бошқа ёзувни ёзиш каби қийин ишдир. Иккинчи мартаба билан ёзув барибир биринчиси каби ёрқин бўлайди, олдинсигидан қолган доғ қозғони бўлғаб туради.

Бола дунёга келган, ташқи

«тартибсизлиги» аслида сирли оламни билиш учун ҳаракатидир. Демак, фарзандимизга у ёки бу нарсани қўлига олишни ёки бузишни ман қилиб, биз сийда дунёни билишни ман қилмаймиз. Шунинг умутмаслигимиз керакки, ортиқча таъкидлар остида ўган бола одатда ташаббуссиз, иродасиз, қурқоқ ва тор фикрлайдиган бўлиб етишади. Албатта, масалан, бола соғлиққа хавfli нарсалар билан ўйнаши мумкин эмас. Бундай ҳолларда унга таъқиқ қўйиб эмас, балки унинг диққатини янада янги-роқ ва қизиқроқ бошқа бир нарсасига жалб қилиб машғул ишдан ажратмоғимиз зарур. Ота-она ўз фарзандига ҳамиша яхшиликни раво қуради, лекин шу ниятга эришиш услуби ҳам яхши бўлиши керак. Балки болага бўлган муносабат услуби яхши ниятга эришишдан ҳам муҳимдир!

Боланинг кўнгли жуда но-зик, ҳар бир таъқиқ, қовоғимизни бир жойга йиғиб, аччиқланишимиз албатта фарзандимиз юрагида муҳрланиб қолади. Кези келганда ҳадисларда айтилган «олти ёшгача дунёдаги ҳар бир бола мусулмон бўлади, сўнгра эса ота-онаси уни ёки, мусулмон, ёки насоро, ёки яҳудий ёки даврий қилиб тарбиялайди» деган сўзларни келтириб, инсон ҳаётига тарбиянинг ўрни нақақар муҳим эканини таъкидламоқчимиз. Демак, бундай йўлга қараганда, олти ёшга тулган болани бўлган уриб-чиқиб биз аслида бағуноҳ бир жонни азоблаган бўламиз, холос.

Болаларга бўлган муҳаббат бобида ҳам пайғамбаримиз ҳаётдан келтирилган қуйидаги каби мисолни топмоқ кийин. Муҳаммад алайҳиссалом кунлардан бир кун саҳобалардан бирининг уйига меҳмонга борганда бир кичкина бола: «Ҳозир мен устимга минаман, сен эса тўя бўлиб мени олиб юрсан», дейди. Жанобимиз табас-

сум ила болани елкасига миндириб, эмақлаб юради. Шунда болаларни олти ёшгача сўқиш ва уриш мумкин эмаслиги ҳақида юқоридagi хадис айтилади.

Тарбиянинг туғри йўналтирилиши деганда тарбия жараёнида қўлланиладиган мақсадларнинг аниқлиги ва туғрилиги тушунилади. Мақсад ҳар томонлама қомил инсонни тарбиялаш, албатта. Бугунги кунда биз фарзандларимизга совет замонларидан қолган маъмул ва асосланмаган тушунчалардан иборат тарбияни эмас, чуқур маъмули ва далилларга бой тушунчаларни беришимиз керак. Масалан, боламизга «Тахталар чаман-чаман, мен уларни қучаман» қабилидаги тарбиявий ва мантқий томондан заиф шerylларни эмас, ўша пахта-ў атофидда бўлган нарсаларнинг қардан ва ким томонидан, қандай яратилгани ҳақидаги шerylларни ўргатмасан, ёлдатсан, фарзандларимизнинг ҳам озаки нуқти, ҳам фикр юртиш қобилиятлари, ҳам дунё сирларини ўрганишига қизиқиши ортади. Шунда зан ва техникада дунёдаги илгор даражаларга кутарилиб, яна Ал-Хоразмий ва Берунийлар, Форобий ва Улугбеклар каби улларга етишиб чиқайди.

Буюк шахслар мавзусига келганда киши онгининг бу тарзда шаклланиши учун тарбия жараёнида мактовнинг ўрни муҳим эканлигига бироз тўхталганимиз зарур, чунки мактов тарбияланувчига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Болангизни кунига ёки ҳафтага, ойига ёки йилга қанча макташганиз ҳақида ҳеч уйлаб кўрганмикин? Мактов болага ўз кучига ишонч ҳосил қилишда ва уни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Буюк шахс фақат бизнинг хоҳиш-иродамизга қура эмас, боланинг хоҳиш-иродасига қура ҳам шаклланади. Унда узининг муҳим ва жиддий шахс эканлиги ҳақидаги тушунча эрта пайдо этиб борилиши керак. Бу ерда албатта мактов чегарасини, метри, чунки юқоридagi айтганимдек, у салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Фарзандимиз бирор яхши иш қилса, уни эмас, қурқоқ шу ишнинг яхши томонларини кўрсатиб, битирилган ишни макташимиз уриналидир.

Давоми 2-бетда.

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Хар қандай билим маълум кишиларнинг таваққурида яшайди, ёки қозғоғи тушириб қўйилиши, уларнинг ўз давраларида айтиб ўтилиши билангина жамиятга таъсир қилиши, фойда келтириш ҳусуси-ятига эга бўлавермайди.

Биз ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида бораятган эркин мамлакатнинг фуқароларимиз. Демократик давлат деб тан олинган мамлакатларда бундай эркин қарашлар барча-барчанинг ҳаёт тарзида, муносабатларида яшайди, жамиятда қонунлар том маънода бошқарувчилик қилади. Хар бир фуқаро ўз манфаатлари акс этган сивсий-ижтимоий

ҳаётда иштирок этади. Аслида демократик жараёнлар халқимизнинг маънавияти билан боғлиқ ҳодисалардир. Бу ҳодисалар миллий гоя, миллий мафкура, миллий тижланиш тушунчаларининг кишиларимиз он-гида шаклланиши, ҳаётийлашишини тақозо қилади.

Ўзбекистон Миллий тижланиш демократик партиясиз етакчилари фаолларининг 17 май кунли пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласи аҳли — ота-оналар, талаба-ёшлар, ўқувчилар билан бўлиб ўтган учрашувида ана шулар ҳақида суз борди. Туман ҳокимияти, ЎзМТДП раҳбарияти ва маҳалла фаолларининг та-

шаббуси билан ўтказилган ушбу учрашуви туман ҳокими Абулқосим Маҳмудов олиб борди. Унда ЎзМТДП раиси И. Гафуров, партия қозғоғи сивасатшунос М. Қирғизбоев, аҳолишунос олим О. Отамирзаев, «Саодат» журнали Бош муҳаррири О. Ҳожиева, «Гулчехралар» газетаси муҳаррири Қ. Раҳимбоева, таниқли рассом О. Қозоқовлар сузга чиқдилар ҳамда йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар.

Ўз муҳбиримиз

Талаба тақлифи

мумкин, деган савол туғилади. Тахририят ходимларининг мутахассислигининг бирламчи билим ва қуникмаларига эга бўлмаган ўқувчи-талабаларга журналистиканинг «алифбосини» ўргатиш имконият ва мантқуқа туғри келадими? Шу каби муаммолар сабаблами, ўқув босқичи (семестри) якунланиши арафасида айрим талабаларнинг қалбаки «тавсифнома»лар олиб келганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари, дярли самарасиз амалиётга кетган вақт зарур назарий дарслар ҳисобидан чегирлидини назарда тутсак, ёш талабаларнинг ўқиб бошлагани аро йўлда қолаятганлигини тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Бугунги талабалар «туртинчи ҳокимият» истиқболни белгилайдиган эртанги журналистардир. Шу боис ҳам фикримизча, талабаларни 3-босқичдан бошлаб амалий жараёнларга йўллаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шухрат ОРИФ,
ЎЗМУ талабаси

Азиз ўқувчи, Сиз «Саодат» журналини бир йилда 8 марта нашр этилиши биласизми? Устозлар Нодира Қурбонова, Руслан Шариповлар бағрида қўйлаётганлар — «Тошоша» болалар фольклор театр студиясининг иштирокчилари тасвири журналининг биринчи мўқовасини яна-яна кўриб, «Соғлом авлод йили»да иқтидорли ёшларга тараққийнинг йўллари кенг очилди. Зулфия Номидига до-мидаги Наволат муқофоти-нинг таъсис этилиши фар, таълим, маданият, санъат ва адабиёт соҳасидаги ижодкорларни руҳлантириб юборди. Иккинчи мўқовадан лауреат қизларнинг суратлари жой олган. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева «Иссиқ дийдор» мақоласида меҳр-ҳаётни асровчи кимётош, меҳр — мўжиза эканлигини таъкидлайди. Пахтаободликларнинг хуштабиатлиги, меҳнаткашлигини севилади.

Журналда «Юлдузи онлар», «Эй умри азия», «Саодат»нинг махсус муҳбири Қўтлубека Раҳимбоева қаламига мансуб «Уйғониш», А. Берди-

муродовнинг «Спитаменнинг қизи» каби мақолаларининг ҳар бирини фарзандларимиз чуқур фалсафий мушоҳадаларга эғалигидан қўқингиз тоғлар билан тоғлашади, диллар билан диллашади.

Дил тоғида юрак — гулхан ёқурман, Дарёдирман — боғлар сари оқурман...

«САОДАТ» ФИКРЛАШГА ЧОРЛАЙДИ

дейди сеvimли шоира Зулфия Муминова ўз биттиқларида. «Кейин осон бўлдимми? — Йўқ!» Хотиралар қалба

Тижланасиз, уйланасиз

қола оладигани учун гўзалми ёки азизлиги учун? Журналист ёзуви Санъат Маҳмудованинг ёзган хотираларида шу саволга жавоб топасиз. Маруса Ҳосилованинг биттиқлари, Гулқас Салом қизининг халқ ичида сочилиб кетган дурдоналарни те-риб маржон шодларни тизгани ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

ФИКР ШОҒВАЛАРИ

Бетарафлик — голибининг тарафида туришдир. Пийет Хайн, Дания шоири Гатри Трумен Нодон жабҳанинг у томонида ҳам, бу томонида ҳам хавфлидир. Календкович Кумор Фидокорлик — бизга бошқаларни ҳеч қийналмасдан қурбон қилиш имконини беради. Бернард Шоу Агар дарё бўида узок утирсанг, унда оқиб бораётган душман жасадини қурасан. Хитой ҳақмати Душманларимни мен гулларга қумаман — КАБРАТ, Салвадор Дали

Машҳур аёллар қанақа бўлган? Бу савол ҳеч кимнинг назаридан четда қол-маса керак, албатта. Жак-лин Бу Буве ва Кеннеди Анассис уртасида кечган ҳангомалар қўлоқларни қиздиради. Журналнинг янги сониди «Гулсал» ҳашар қиссасининг давомини ўқишга муяссар бўласиз. «Дунёга чиққан «Тошоша», «Норойим», «Ой бориб омон қайтинг» каби

хузурубаш мақолалар, Марва Жалолидинованин маъсумгина ҳикояси барчада қизиқиш уйғотади.

«Минг бир маслаҳатлар»ни ўқиб, билмаганингизни билиб оласиз. «Пардозхона»да парига айланасиз, сўнгра сизга мунтазир емакхонамизга «кирасиз».

Санъатнинг вазифаси улуг. У инсон руҳиятининг мақами, дилини тозалайди. Бу қувватни сизга рассом Раҳмонжон Мирзаев ўз мўқола ва орқали муқовад бахш этади. Журналнинг янги 3-сони босмадан чиқди. «Саодат» чашмасидан тезроқ баҳраманд бўлинг.

Дилором ИСМОИЛОВА

ХОЛВА ЕБ ОҒИЗ ЧУЧИСА...

Утиш даври қийинчиликлари деган иборани куп такрорлаймиз. Лекин, шукрки, ҳар ким баҳоли қудрат, халқ тили билан айтганда, уз насибасини териб юрибди. Мени бошқа бир нарса купроқ уйлантиради: негадир бир неча маҳсулотларнинг сифати пасайиб кетяпти. Бунга куплаб мисоллар келтиришимиз мумкин, озиқ-овқат дуконларида сотилаётган сариёғ, холва, қаймоқларнинг таъми тукис эмас. Кир совун, узимизда тайёрланаётган купгина сода (кир ювиш порошоги)ларнинг кучи йуқ. Махалла-куйда олиб юриб сотилаётган сут-қатиқларни-ку айтмаса ҳам булади. Ажабо, бундай маҳсулотларнинг эгалари айни бозор иқтисоди шароитида уз харидорларини йуқотиб қуйиши мумкинлиги ҳақида ўйла-масмикен? Бир донга гугурт қутиси бўлса-да, миллий маҳсулотларимиз обрўси ўзимизга муносиб бўлишни жуда-жуда истардим.

Холва-холва деган билан оғиз чучимаиди, дейдилар. Лекин «деган» билан еганнинг фарқи булса деймиз-да.

ҚАЛБАКИ ЁҒ

Яқинда биз узимиз истиқомат қилаётган жойдаги А. Фетисова кучасида жойлашган озиқ-овқат магазинидан уч литрча пахта ёғи сотиб олдик. Уйга олиб келиб, уни доғламоқчи булдик. Бироқ, ишонасизми-йўқми, ранги ёққа ушайётган бу ажабтовур суюқлик оловнинг таъсирида худди сувга ухшаб қайнаб бошлади. Во-ажаб, бу ҳолни куриб ёқамизни ушладик. Ал-батта, кетган пулимизга ичимиз ачишиб «ёғни дарҳол қайтариб олиб бордик. Бир нарса юра-гингни уртайди — бу ишни қилганлар на қонун-дан қурққан, на худодан. Қалбаки пул, қалбаки хужжат деган сузларни куп эшиттардик. Қаран-га, қалбаки ёғ ҳам булар экан-да.

Дурдона АҲМЕДОВА

Миробод тумани

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛЛИК

Миллий ғоя — фаоллик мезони

лиги ва барқарорлиги, одамларнинг фаровон ҳаёти, фуқаролар тенглиги ва қонуннинг устуворлиги каби умуминсоний ғояларга таянувчи миллий ғоя кишилар ҳаётининг умумий йўналишларини ўзида ифодалайди. Чунки юқоридеги таъминотлар жамиятда умумий мақсад, эҳтиёж, мулкдорларнинг уйғунлигига эришиш учун шарт-шароит ҳозирлайди. Албатта, бу таъминотларнинг аҳамияти ва залвориди ҳар хил намоеён бўлиши мумкин. Масалан, юрда тинчлик ва муайян иқтисодий таъминланганлик булгани ҳолда, мамлакат мустақил бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ана шу жойда миллий ғоянинг тўла-тўқис шаклланиши ва имкониятларини намоеён қилиши қийин. Бинобарин, унинг асосий мақсади, юрт озодлиги ва давлат мустақиллигига эришишга қаратилган бўлиши табиий. Умуман, мустақил бўлмаган мамлакатда мустақилликнинг ғоясида булган бутунлай холи булган миллий ғоя узлигини тўла намоеён эти олмайди. Шу маънода, мустақиллик бугунги миллий ғоянинг асоси, истиқлолни асраб — авайлаш ва мустақамлаш заминидан орзу қилинаётган келажакка эришиш эса унинг пировард мақсади, дейиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда умуминсоний таъминотларнинг устуворлигига асосланадиган ҳаёт тар-

зини яратишда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш мумкин аҳамият касб этмоқда. Дунёдаги илгор давлатларнинг тажрибаси шундан далолат берадики, маънавий ҳаётда қуйидаги умумий ғоявий таъминотларнинг сақланиб қолиши мақсадга мувофиқдир: қонуннинг устуворлиги, яъни жамиятнинг асосий қонуни — Конституция қоидаларига оғишмай амал қилиш; мамлакат мустақиллигини сақлаш ва мустақамлаш; умуминсоният томонидан эътироф этилган мезонларнинг устуворлигига эришиш; фуқаролар тинчлиги, миллий — этник ва конфессиянал тотувликни таъминлаш; бирор партия, синф, ижтимоий ёки этник бирлигининг мафқураси жамиятда ягона ва устувор мавқега эга бўлмаслиги; жамият аъзоларининг сиёсий ҳаётда фаоллик ва иштирок этиши; миллий миллат ёки диний қавм вакили эмас, балки тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида қатнашувига эришиш.

Дикқат қилинса, мазкур жиҳатлар ҳозир Ўзбекистонда шаклланаётган ижтимоий тизимга мос булган ғоявий таъминотларни ифода қилади. Улар умуминсоний қарашларга таянганлиги боис жамиятдаги ҳилма-хил интилиш, фаолият, ҳаракат ва қарашларни бир мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилади. Бугун мамлакатимизда шаклланаётган умуминсоний ғоя назарий жиҳатдан чукүр илмий асосланган ҳулосаларга, жаҳон, минтақамиз ва юртимиз ривожининг бош таъминотларига асослангани билан ажралиб туради. Амалий жиҳатдан эса у барча ватандошларимизнинг орзу-умидларини ўзида ифода қилаётган, ислохотлар ва ўзгаришларнинг хусусиятларини умумлаштирадиган, жамиятимиз аъзоларини истиқлолнинг пировард мақсадларига эришиш йўлида бирлаштирадиган ғоявий байроқ сифатида намоеён булади. Бу соҳадаги ўзгаришларнинг юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг таркибий қисмига айлангани ҳам амалий таъминотларга катта аҳамият берилаётганини кўрсатиб турибди.

Масаланинг инсон омили билан боғлиқ жиҳатига келганда эса қайд этиш лозимки, умуминсоний ғоявий таъминотларга мос баркамол авлод вакили бўлмоқчи, уз навбатига маънавий етуқлик, Ватан, давлат ва халқ манфаатларини чукүр хис қилиш масъулиятини ҳар бир инсоннинг қиёфасини безайтибган юксак фазилатга айлантириши талаб этиди. Бундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир фуқаро истиқлол йўлидан бораётган мамлакатимиз камоли, халқимизнинг омонлиги ва фаровонлигига қамарбаста бўлиши, келажакнинг пойдевори қурилаётган давр талаблари қаршисидаги уз масъулиятини англаши зарур. Эро, истиқлолга қасбга интиқ болга этиш йўлидаги имконият эмас, балки бу имкониятларни воқеликка айлантириш бори-садаги масъулиятни шакллантирадиган улуг неъмат ҳамдир.

Киём НАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори



БОЛА БУ ДУНЁНИНГ САОДАТИДУР...

Боши 1-бетда.

Бола тарбияси узлуксиз ва доимий бўлиши биз кутган натижани беради. Бу-узлик тарбия бериш оч-кишини онда-сонда, овқатлантириб туриш билан барбардир. Бола осиб-улгайиши билан унинг фикрлаш қобилиятлари ва имкониятлари кен-гая бошлайди. Шунинг учун тарбия мақсадлари ва ус-лублари унинг ёшига мос равишда янгилаб борила-ди.

машхур шоир инглиз, француз, немис, араб ва бошқа чет тилларини ҳам аъло даражада билган. Булар ҳақида бежиз сўз юрилтаётганимиз йуқ, чунки бугунги кунда баъзи ота-оналар болам чет тилини яхши билсин деб, ҳали ҳам уйда бошқа миллат тилида, (эндиликда ин-глизча) гапиришда давом этмоқдалар. Бундай киши-ларга шу мавзуда сўз оч-сангиз, «замон узгариб кетди, энди инглиз тили муҳим бўлиб қолди-да!» деб замонни айблашди. Балки ундай эъмасдир, замон биздаги бошқа мил-латлар ва тилларга булган «мехр-муҳаббатимиз» уз-гардимиз-йўқми дегандай бизни синовдан утказаятгандир?! Урганиш-нинг бу йўсинида бола чет тилини мукамал билиши мумкин, лекин кейинчалик ҳаётда узебкеча фикр юри-тиши, уз миллий онгига эга бўлиши қийин кечади. Бундай авлод миллат ва ватан гами билан яшаши ҳам амримаҳолдир. Хори-жий тилларни мукамал урганиш заруриликга қар-шилигимиз ва шубҳамиз йуқ, фақат олдин уз она тилини узлаштириб, кейин чет тилини урганиш лозим, демокчимиз холос. **Зеро, миллий мафқура ҳам, миллий ғоя, миллий онг, миллий тикланиш ҳам биринчи навбатда мил-лий тилдан бошланади ва унинг ёрдамида шаклланади.**

Жисмоний бақувват ва соғлом, лекин фикрий ва маънавий жиҳатдан носоглом кишининг жамиятга фойдаси кам. Инсоннинг дунёқараши ва тушунчалари унинг ҳаёт тарзини ва маънавиятини белгилаб беради. Киши онгига ҳаёт ҳақида турғи тушунчалар булса, унинг ҳаёт тарзи ҳам турғи, аксинча онгини нотурғи ту-шунчалар эгаллаган булса, унинг ҳаёт тарзи ҳам нотурғи булади. Табиийки, ҳаёт ҳақидаги дунёқараш ва тушунчалар инсон учун амал ва ҳаёт тарзи дасту-ридир. Фарзандимиз биз-дан сураганда узи яшаётган дунёни билмоқчи эканини ва тафаккурини тушунчалар билан тулдирмоқчилигини асло унутмайлик! Бундай пайт-да болага «бошимни оритаверма, бор, уни қил, бор, уни қил» қабилда жавоб бериш жиддий ха-тоимиздир. Чунки кейинча-лик фарзандимиз уз саво-ларига жавобни кундан олиши мумкин. У ердан турғи жавоб олиш эса ка-фолатланмаган... Кучадаги нотурғи тушунчаларни миясига жо қилиб, шу ту-шунчаларга кура нотурғи ҳаёт кечира бошлаганда афсус кечиб қолмаслик учун фарзандларимиз ол-дидаги масъулиятли вази-фамизни унутмаслигимиз зарур. Зеро, уртак катта-ларандир.

Бобомурод АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

Бизнингча, тарбия жаравидаги муҳим хусу-сиятлардан яна бири бола ва ота-она уртасидаги мулоқот тилидир. Агар дунёдаги энг машхур ин-сонлар таржимои ҳолига назар ташлайдиган булсақ, уларнинг барчаси болалигида биринчи навбатда уз она (миллий) тилини урганганлигини ку-затамиз. Масалан, Пушкин-нинг оиласида рус, фран-цуз тили, мулоқот тили булган, бундан ташқари у рус халқ эртакларини тинглаб уган. Натижада булажак Пушкинча рус миллий тафаккури, фикрлаши ва дунёқараши шаклланган. Кейинчалик шоир бутун ҳаёти ва ижо-ди давомида уз халқни, миллати ва ватани гамида яшаб ижод қилгани ва ку-рашгани бизга яхши маъ-лум. Аввал уз миллий тилини мукамал урганган булса-да, кейинчалик

ГАРЧИ КАЛОН ЭДИ...

1978 йили буюк адиб Лев Толстой та-валлудининг 150 йиллиги Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланган эди. Бир неча ой давомида ёзувчи ижодида бағишланган илмий конференциялар утказилди, юби-лей комиссияси ташкил этилиб, унинг саъй-ҳаракати билан Толстой асарларининг беш жилдлиги нашр қилинди, адиб ижодининг узбек адабиётига таъсирига бағишланган рисоалар босилиб чиқди. Юбилей тадбирлари уша йилнинг 9 сен-тябрида Навоий театридаги тантанали ййгилиш ва санъат усталарининг катта концерти билан поёнига етди.

Эътироф этиш керак: ана шу сунгги ййгилиш ниҳоятда шуқуҳли булганди, чарогон театр зали одамлар билан лиқ тулганди. Президиумда давлат ва обрўли маҳкамаларнинг бошлиқлари, ижодий уюшмаларнинг вакиллари, хориждан кел-ган олим ва ёзувчилар, меҳмонлар сав-лат тукиб утиришарди. Амфитеатрнинг нимқоронги орқа қаторларидан бирида — кириш эшигига яқин жойда эса етмиш-ларга борган, аммо умр буйи оғир меҳнат қилганидан мункайиб қолган, бемажол бир қария буйини чузиб, булаётган гап-ларга зур эътибор билан кулоқ соларди.

Бу одам Толстой асарларини сағир ёшида етимхонада илк бор қулга олган, йигирма ёшида унинг машхур «Тирилиш» романи билан танишиб чиқиб, 1938 йил-да узбек тилига илк бор таржима этган, беш-олти йилдан сунг, бу асарга азба-ройи кунгил қуйганидан уни иккинчи мар-та, бу гап янада зур маҳорат билан тар-жима этган Мирзакалон Исмоилий эди. Мирзакалон Исмоилий урушда қатнаш-ди, эллигинчи йиллар бошида эса ик-кинчи бор ноҳақ қатагонга учраб, қама-либ кетди: қонларда эзиллиб тош таши-ди. «Фаргона тонг отгунча» романи уша «борса келмас» жойларда дилида пишиб етилди. Узи ҳам роман ёзиб, унинг тили ва услуби борасида етарли малака ҳосил пайдо қилган, тагин Толстойга юз бур-ди: «Анна Каренина» романини узбекча-га уғирди. Бу таржима илмда ханузгача махсус урганилиб, уз баҳосини олмаган, аммо олдиндан шуни айтиш мумкинки, узбек адабиётининг бутун тарихида бино булган унта энг зур таржима асари тан-лаб олинандиган булса, Исмоилийнинг «Анна Каренина»си ана шуларнинг бири бўлишига шубҳа йуқ.

Домла уша йилларда «Уруш ва тинч-лик» романининг Абдулла Қаҳҳор ва Кирибёхонимлар таржимасини теран таҳлил қилиб, унга катта бир тақриз бит-қиди, узининг ижодий тақдирида Толстой-нинг урни хусусида мақола ёзди; булар-даги фикрларни унча-мунча адабиётшуноснинг асаридан топиш қийин...

Толстой ва Исмоилий. Бу узбек тар-жимашунослиги олдида турган катта ил-ми масалалардан бири.

Биз ҳозир бошқа нарса туғрисида сузлаётган эдик. Шундай қилиб, Мирза-калон Исмоилий Толстой юбилейида қат-нашди. Аммо уни — умрининг куп йилла-

рини Толстой асарларини таржима қилиб утказган ёзувчини узбек халқига таништиришга энг куп хисса қушган одамни юбилей анжуманига ҳеч ким тақ-лир ҳам қилмаган. «Кам булган, Мир-за ака, Толстойнинг туйи — аввало Сиз-нинг туйингиз, узбек халқига бу улуг адибни танитган одам сиз буласиз» дей-диган бирон мард ҳам топилмаган (Узи эшитиб қолиб, бориб қатнашган). Залда утирган кекса адибни гуё ҳеч ким «курмаган», у эса ҳамма ноҳақликни куриб-билиб, эзиллиб утирган...

Мирзакалон Исмоилий қатъиятли одам эди. Эътиқолида зид, ноҳақ нарсалар ва уларни ёқлайдиган одамларга, ким булмасин, асло ён бермас, бундай қилолмас эди, бировдан нолиб ҳам юр-мас, гапини уша кишининг бетига айтиб қуяқоларди.

Аммо домла уша кун қаттиқ хафа булган экан, ёрилди: — Бун қаран-а, болам, — деди у киши эртаси кунни ранжиб. — «Мен-ку майли, гап бундамас, аммо уша, президиумда утирганларнинг аксарияти Толстойнинг «Т»сини ҳам тушунмайди-да! Куплари, ҳатто унинг бирон асарини ҳам уқима-ган. Аммо савлатларини, узларини ту-тишларини курсангиз! Шурлик Толстой-нинг узи шунақалардан безган эди-ку?»

... Мирзакалон Исмоилийнинг олам-дан утганига қанча йиллар булди. Уша президиумдагиларнинг куплари ҳам энди ё бор, ё йуқ. Бунинг устига, бугун Толстойнинг ҳам, Мирзакалон Исмо-илийнинг ҳам юбилейи эмас. Шундай экан, бу гапларни нега эслаб қолдим? Гап шундаки, яқинда катта бир залда қардош адиблардан бирининг узбек тилида чоп этилган китоби муборакбод (тақдимот) қилинди. Тагин буюб ахвол — гуё бу китоб уз-узидан узбекча пайдо бўлиб қолган, таржимон деганлари мусаххўх қатори анчайин бир одамдай. Тақдимотда сузламаган, уша шоирга узи-нинг дилдош эканлигини изхор қилма-ган одам қолмади ҳисоб. Ниҳоят, охи-рида мажлис раиси адибга зардузи чо-понни кийгизиб, қучқолаб упиб бўлиб, «мажлисни ёпиш кўрсатишда тушган тақриф»ни уртага қуйганида залнинг этақроғида утирган, ҳеч ким эсламаган таржимоннинг узи минг хижолат билан ур айтиб сўз суради, президиум аъзо-ларининг розилиги билан, раиснинг оғринибгина «майли, аммо қисқароқ булсин» деган писандаси остида асар ижодкорини бир оғиз қутлаб, гапини бас қилди. Аслида, ана шу заҳматқашнинг туллари уйқудан, кундузи хордиқдан ке-чиб қилган меҳнати туйфайли эмасмиди бу — муборакбод қилинаётган китоб?

Таржиманинг қанчалик оғир ишлиги-ни англаш учун икки саҳифа оддий га-пини ўғриб кўриш етарли. Мирзакалон Исмоилий эса эллик йил — ярим аср давомида икки саҳифа эмас, икки юз-дан ортиқ асарни (улар орасида ҳар би-рининг ҳажми беш юз бетлик ушлаб ро-манлар бор!) она тилимизга таржима

Хотира ўчмасдир, хотира — мангу!

қилди. Бу икки юз асарнинг узбек маъ-навиятини юксалтиришга қушган ҳис-сасини эса статистика билан улчаш им-кони йуқ... Узбек адабиётининг минг йиллик тарихида энг куп асар уғирган ва энг моҳир таржимонлардан булган бу суз заргарининг халқимиз маъна-вияти ривожидидаги хизмати фақат улми олдида берилган «Хизмат курсатган» деган бир унвон билан тақдирланди, домла ундан фойдалан-гани ҳам йуқ.

Мутаржимнинг узи эса таржима иши-нинг қийинчилигини ҳаммадан яхши-роқ тушунади — Миртемир домла шу-нинг учун ҳам «Манас»нинг иккинчи ки-тоби таржимасининг қўлбасини алам устида йиртиб йуқ қилиб юборди — бир бошлиқнинг таржимага кепак баҳосида ҳақ тулаш туғрисидаги қаро-ри шурлик адибни шунга мажбур этди.

Чинакам таржимон — суз заргари, ҳассос адибдир. У нафақат уз дили-дан кечган уйларни, балки бошқа бир ижодкорнинг шуурини ёритган туйғуларни ҳам теран англайдиган, унинг қадрини заргар каби аниқ баҳолаб, бошқа тил стихиясининг инжиқликларини енгиб булса-да, уни уз она халқига етказиш устида тер туқадиган асл миллатпарвар. У орден-ларга, унвонларга орзуманд эмас (ор-денга ҳавасманд одам таржимонлик қилмайди), аммо эътиборга зор, эъ-тирфатга ташна.

Илгари ҳатто энг яқин туркий тил-лардан ҳам рус тили орқали таржима қилардик. Ҳозир ижоднинг бу тури учун йул кенг очилди, ушлаб тиллардан бе-восита таржима қилиш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Аммо таржимонларнинг ҳур-матини жойига қуйиш, бу ниҳоятда оғир, инжиқ соҳа кишиларининг меҳнатини эътироф этиш ҳамон кунгилдагидай эмас. Ҳолқуби, бу фи-дойи одамларни эъзолаш, хизматла-рига яраша хурматлашнинг айна вақти. Усадиган, юксаладиган халқ мутаржи-мини эъзолайди, негаки қайси эл ҳаётини олиб қарасақ, миллий ҳаёт барқ уриб яшнаган, гуркираган даврда таржима ҳам кучайганини, бу икки омил бир-бирига куч берганлигини кураимиз. Оригинал асар муаллифла-рини бир ҳурмат қилсақ, мутаржим-лар икки бора эътиромга лойиқ, чунки улар уз ижодий нафсониятидан воз кечиб, узга чаманлардан нектар кел-тирувчи асалари каби фидойилардир.

Таржимонни маърифат элчиси, дей-дилар. Элчи зоти эса, ҳамаша эҳтиромга сазовор қурилиши, қадр-қиммати жойига қуйилиши лозим. Шун-дай қилсақ, Мирзакалон Исмоилий сингари жаннати одамларнинг ҳам руҳи шод булар эди. Зеро, устоз мутар-жим қалами ёққан эзгулик чироғи ки-тобларда, улар орқали кишилар қал-бида порлашда, нур сочишда давом этмоқда.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ЗАМИН ДАРДИНИ ОЛИБ...

Шоҳ Машрабнинг «нубувватдан афзал» мақоми

Бу элнинг ҳар бир бешигида бир юлдуз усар, ҳар бир эшигидан бир даҳо чиқар. Бизда даҳолар куплиги туфайли фидолар кўп. Баъзан юлдузлар куплиги туфайли атрофимизда булутлар тулланиб қолади. Гоҳида қуюқ булутлар гирдобда қолдик, у кунлар ўтди. Юртбошига елкадош бўлиш учун, утмиш маънавиятидаги даҳоларни англаш учун ва бу саодатли замони бирга қурмоқ учун энди сий-моларга айланмоқ керак. Утар дунёни деб сарватлар ортидан қувиш, ҳаром-ҳариша кул уриш ёки сеvimли касбни ташлаб бозорларда сарсон бўлиш вақти эмас. Ватан манфаатлари турганда физку фужурга берилиш замон кишиси бўлишдан эмасдир!

Эрта жуда яқин. Эртага бугунги ноқулайлиқлар утиб кетади. Ушанда ҳамма қаҳрамонга айланса керак: «Янги замони биз курганмиз!» Севимли касбларини ташлаб, «тижорат» қилиб юрганлар ҳам десалар керак: Мустақиллик йилларида биз туриб берган-миз!» Боласи ишонмасда-да, набариси айтар балки: «Бувам қаҳрамон булган экан!»...

Эртага қизариб қолмаслик учун бугун уйлamoк, олдимизда фидойилар яшаб турганида, узни узга йўллардан тиймоқ жоиз. Ҳамма замонларда маънавият осмонининг юлдузлари булган, бугун ҳам бор. Лекин, утмиш юлдузларнинг сирлари кашф этилса, бугуннинг юлдузлари шу қадар равшанлашади. Сизга маънавият осмонининг утмишдаги бир юлдузи ҳақида икки оғиз суз:

